



ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МЕҲНАТСЕВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИДАН Фойдаланиш

Нормуродова Б.А.

*Тошкент амалий фанлар университети
Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: оила, мутафаккир, анъана, тарбия, миллий, маданият, билим, тажриба, авлод, мерос, маросим, аждод, урф, одат, малака, фаолият, жараён, миллат, жамият, донишманд, ахлоқ, кадрийат, гоя, эҳтиёж, меҳнатсеварлик, байрам.

Ключевые слова: семья, мыслитель, традиция, образование, национальный, культура, знание, опыт, поколение, наследие, церемония, предок, обычай, умение, деятельность, процесс, нация, общество, мудрец, мораль, талант, идея, страсть, трудолюбие, праздник

Key words: family, thinker, tradition, education, national, culture, knowledge, experience, generation, heritage, ceremony, ancestor, custom, skill, activity, process, nation, society, sage, morality, talent, idea, passion, hard work, holiday.

Резюме:

«Оилада болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда халқ миллий анъаналаридан фойдаланиш» мақоласида, анъаналарнинг аждоддан-авлодга ўтиши билан ижтимоий ривожланишнинг тарбия жараёнига таъсири, миллий анъаналарни сақлаш, ўзлаштириш ва маънавий бойлик сифатида қўллаш ва демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, миллий ғурурни англаш шароитида ёш авлодни тарбиялаш ва уларга ахлоқ нормаларини сингдиришда халқнинг маънавий бойликларидан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритилган.

Резюме:

«Использование национальных традиций народа в воспитании детей в духе трудолюбия в семье» Речь шла о необходимости эффективного использования духовных богатств народа для привития ему нравственных норм. Основное направление воспитания детей в семьях узбекского народа основано на идеях воспитания из своих детей умных, щедрых, трудолюбивых людей, при этом даются важные сведения об особом внимании, уделяемом вопросам образования в философские труды шапкских мыслителей.

Summary:

"Using national traditions of the people in raising children in the spirit of hard work in the family" The discussion was about the need for effective use of the spiritual wealth of the people to instill moral standards in them. The main direction of raising children in Uzbek families is based on the ideas of raising smart, generous, hardworking people from their children, while important information is given about the special attention paid to education in the philosophical works of Shapk thinkers.

Анъаналар кенг маънода олинганда, ҳозирги даврни ўтмиш ва келажак билан узвий боғлайди. Айни замонда анъаналарнинг мазмуни ва аҳамияти ҳар бир тарихий даврнинг ва халқнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий шароити билан белгиланади. Зеро, ҳар бир анъана пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзгариши нуктаи назаридан ўз тарихига эга. Анъаналар, аввало муҳим ижтимоий ҳаёт воқеаларига тааллуқли бўлиб, у кишиларнинг урф-одатлари ва одоб қоидалари тарихан таркиб топиб боради. Анъаналар авлоддан-авлодга ўтиши билан ижтимоий ривожланишнинг бутун жараёнига катта таъсир қилади. Янги авлод ўз ривожланишида олдинги авлоддан мерос бўлиб қолган моддий бойликлар, ишлаб чиқариш ва ўзаро муносабатлардаги энг яхши тажрибалардан фойдаланади, мавжуд ахлоқ қоидалари, қонун ва талабларига бўйсунди. Бундай мерос объектив характерга эга бўлиб, янги авлоднинг иродаси ва онгига боғлиқ эмас.

Ўтган авлодлардан тарбияга хос бўлган айрим анъаналар ҳам мерос бўлиб қолади, бу анъаналар халқ билимининг муҳим соҳалари билан боғлиқ бўлиб, улар шартли тарзда "Халқ педагогикаси" деб номланади. Гарчи халқ педагогикаси талаблари маълум тартибга солиниб, тизимга келтирилмаган бўлса-да, улар халқнинг онгига сингиб кетган бўлиб, амалиётда фаол қўлланади. Халқ педагогикаси принципларининг кўпчилиги маълум даражада ва тадрижийликда барча оилаларда мавжуддир. Халқ педагогикаси халқ ижодий ва маънавий ҳаётининг турли соҳалари, унинг иқтисодий ва оилавий муносабатлари билан чамбарчас алоқадордир. Шунинг учун уни ёш авлодни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган маълум методлар ва даврлар тизими деб биламизки, улар авлоддан авлодга ўтиб бориш йўли билан тарбиялаш анъанаси бўлиб қолади. Шахснинг ғоявий-ахлоқий жиҳатдан шаклланишида меҳнат анъаналари муҳим роль ўйнайди.

Авлодларнинг ворислиги туфайли кишиларда ўзи, ери ва элининг тақдирини учун масъулият ҳисси, юртдошларига нисбатан меҳр ва ижобий муносабатлар ҳам давом этади. Лекин ўтмиш билан келажак ўртасидаги боғланиш ўз-ўзидан амалга ошмайди, унинг узлуксиз давом этиши учун ҳаётга кириб келадиган ҳар бир янги авлод халқи ва юрти тарихидан яхши хабардор бўлиши, ўзи ҳам бир учи узоқ ўтмишга, иккинчи учи олис келажакка уланган занжирнинг битта узвий ҳалқаси эканини англаши шарт. Маълумки, ҳар бир халқнинг, у катта халқми ёки кичик халқми, ундан қатъи назар, ўзига яраша ва хос маданий мероси бўлади. Бу мерос, унинг пайдо бўлиб шаклланиши ва қарор топишига кўра шу халқ тарихи тараққиётининг маълум даврини, шунингдек, муайян халқнинг шу даврдаги турмуш шароитини, характери, психологиясини, орзу-умид ва интилишларини ҳам ўзида сақлайди. Халқ тарихини, ўзига хос хусусиятларини ўрганишда, шу халқнинг маданий



мероси катта роль ўйнайди. Дарвоқе, ҳар бир халқнинг маданий меросига бўлган эътибор ва ҳурмат айти пайтда ўша халқ тарихига бўлган ҳурмат сифатида англонади. [1]

Лекин маданий мерос характери, мазмунини очишга, уни баҳолашга келганда, жуда эҳтиёткорлик ва бой тажрибакорлик лозим. Чунки ҳар бир халқ маданий меросига тегишли бўлган асарлар ҳамда бошқа ҳодисалар анъанавий ёки реакцион характерга эга бўлади. Ана шу хусусиятнинг ўзи-ёқ фақат эҳтиёткорлик, тажрибакорликнигина эмас, балки асосли, тўғри ва объектив баҳолашни ҳам тақозо қилади.

Тарихий тараққиётнинг хос турмуш шароитида шаклланиб қарор топган тушунчалар ҳам, одамлар орасида мавжуд бўлган ҳар қандай урф-одаглар, маросимлар ҳам, шунингдек, ўзаро муомала муносабатлари ҳам даврлар ўтиши билан табиий равишда мазмунан ва шаклан ўзгариб, ривожланиб боради. Бу қонуний ҳодисадир. Чунки оламдаги ҳамма нарсалар, ва ҳодисалар кишиларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган объектив қонуният асосида ҳаракат қилади, ўзгаради, ривожланади. [2]

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар ҳамда археологик тадқиқотларга Шош вилояти ва унинг пойтахти Тошкент, айниқса X-XI асрларда раванқ топганидан далолат беради. Шаҳар ўша даврда вилоятнинг йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Бу даврда Тошкентдан қурол-яроқ, темир ҳамда мисдан ясалган буюм ва асбоблар, ёғочдан тайёрланган асбоб ва усқуналар, эгар-жабдуқлар, ип ва ипак газламалар, жойнамоз ва чойшаблар, нина ва пичоқлар, устки кийимлар, пойафзаллар, чодирлар ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда узок мамлакатлардан келтириладиган савдо моллари чет элларга, жумладан, Қозоғистонга чиқарилган.

Фақат Бухоронинг ўзида ўнлаб ҳунармандлар маҳаллалари бўлган, уларда турли авлод ҳунармандлари яшаган. Хусусан, кулоллар, тўқувчилар, темирчилар, қуролсозлар, сотувчилар, пичоқчилар, дурадгорлар, қурувчилар маҳаллалари бўлган. Ҳар бир маҳаллада ўнлаб усталар бўлиб, улар ўз ёрдамчиларига эга бўлишган. Ҳар бир ёрдамчи ўнлаб шогирдларига ҳунар ўргатган.

XIX ва XX аср чегарасида Бухорода, Самарқандда, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ўзига хос ҳунар мактабларига эга бўлган юзлаб машҳур усталар бўлган. Ўз ҳунарини юзлаб шогирдларига ўргатган машҳур усталар қаторида Бухоролик уста Иброҳим Ҳофизов, ғишт терувчи Мажид Қурбоннов, ганқор усталар; Ҳожи Абдурахим, Ҳожи Абу Ҳофиз ва уста Остонақул, ёғоч ўймақори Ҳожи Совур, уста Абдурахмон, уста Остон Жўйбора, наққошлар Ҳожи Мир Шариф ва Ҳамид Хазимов, нусха кўчирувчи Йўлдош Жўраев, ҳаттот Абдуфаттоҳ Маъдиев ва бошқалар бор эди.

Шубҳасиз, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон худудида яшаган халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, ва маънавий ҳаётига хос хусусиятлар улар орасида педагогик фикрларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир этди.

Шу билан бирга тарихий ижтимоий онгнинг инъикоси сифатида халқ педагогикаси, унинг илғор ғоялари ва тажрибаси ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш жараёнида ҳам каттагина ўрин олди. [3]

Ўзбекистон ҳамда бошқа худудлар шароитида ёш авлоднинг фуқаролар сифатида камол топишида оила ва халқнинг меънат анъаналари муҳим роль ўйнаган. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Масалан, қадимий ажойиб анъана - "Ҳашар" (жамоат иншоотлари, кўприклар қуриш, ариқлар қозиш, ҳосилни ўриб-йиғиш ва бошқа ишларни биргалашиб бажариш) давом этмоқда. "Наврўз" меънат байрами, "Ҳосил байрами", "Хотира куни" ва ҳоказолар ўтказилмоқда. Улардан педагогик мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ўқувчиларни мулоқотнинг жамоавий шаклларига фаол жалб этиш учун қулай шароит яратади ва бундай тадбирлар ўқувчиларда раҳмдиллик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам, меънатсеварлик, катталарни ҳурматлаш каби фазилатларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё худудида халқ педагогикасининг вужудга келиши тарихи узок асрлар муқаддам бошланган.

Даставвал, шуни қайд этиш керакки, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўз асарларида доимо меънаткаш халқнинг турмушига, ҳаёт тарзига, тарбия соҳасидаги, айниқса меънат ва ахлоқ тарбиясидаги илғор анъаналарга таянганлар. Машҳур олимлардан Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқалар жаҳон цивилизациясига бебаҳо қисса кўшдилар.

Меънат тарбиясининг илғор ғоялари акс этган, ўтмишдаги ва ҳозирги атоқли арбоблар юқори баҳолаган халқ оғзаки ижодига доир асарлар халқ тарбиясининг муҳим манбаидир. Бинобарин, мумтозларнинг халқ тарбияси ҳақидаги қарашлари ва фикрларига таяниш педагоглар учун тарбия муаммоларини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш ҳамда улардан тарбиянинг умумий тизимида самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Халқ педагогикасининг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий тараккиёт жараёнининг йўналишларидан бири бўлиб, у миллатлар шаклланиши жараёнига таркибий жиҳатдан боғлиқ ва маданиятлар ўзаро сингишуви жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Бу жараён ўзбек халқ педагогикасига ҳам тўла тааллуқли. Ўзбек миллатининг шаклланиши жараёни доимо бир маромда давом этмади, балки тарихий ривожланиш ҳамда турли қабилалар, ирқлар ва миллатлар хўжалик-маданий фаолиятининг бориши қонуниятлари бўйича амалга ошди. [4]



Демак, Ўзбекистон худудда маданиятларнинг ўзаро уйғунлиги жараёни ушбу худуддаги қабил ва элатлар миграциясининг ўзига хослигидан, этник катламлар сонининг кўплиги ва уларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиққан.

Маълумки, ўзбек халқ педагогикасининг асосини халқ фалсафаси ҳамда турли шаклларда ифодаланган ғоя ва қоидалар ташкил этади.

Бинобарин, кишиларнинг дунёқарашини акс эттирадиган халқ фалсафаси халқ педагогикасининг мазмуний компонентини ташкил этади.

Халқ тарбияси узоқ тарихий жараёнда кўп асрлик муайян амалий фаолиятда, энг аввало, меҳнат фаолиятида ҳосил бўлган халқ фалсафасига оид билимлар билан қуролланган эди. Халқ ўзининг кўп асрлик тарихида кишиларнинг ўхшашлиги ва фарқларини, хусусан, "энг яқин доира" муҳити сифатидаги ўз оиласида қузатган ва шунинг учун доимо ўз авлодларини ўтмиш аجدодларига ўхшашини кўрган. Асосан ҳар бир болада ўз аجدодларидан келиб чиққан фазилатларни иложи борича, кўпроқ топишга ҳаракат қилган, айниқса ўғил "ҳар жиҳатдан" отага ва қиз онага ўхшашини кўрганида мамнун бўлган. Бундан англашиладики, халқ тарбиячилари тушунчасида ирсият фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳал қилувчи омил бўлган (айрим ҳолларда ҳозир ҳам шундай). Ҳозирги ота-оналар ҳам у ёки бу ижобий ёки салбий хатти-ҳаракати учун болани ўтган авлодларига ўхшатиб, "бунинг қонида бор", деб қўйишлари ҳам шундан .

Шундай қилиб, халқнинг болалар камолоти ва тарбиясига қарашлари кўпинча тасодифий материалларга асосланган бўлиб, муҳит ва тарбиялаш омилларини ҳисобга олган ҳолда шаклланган, лекин бунда ирсият етакчи омил сифатида эътироф этилган. [5]

Халқ меҳнат тарбияси тажрибасидан фойдаланишда шаҳарнинг роли ортиши билан боғлиқ воқеаларнинг: кишилар ердан, табиатдан ортиқча узоқлашувининг, ёшлар қишлоқ жойлардан шаҳарларга кўчишининг олдини олишда ёрдам беради; болаларда ерга муҳаббатни оширишдан иборат халқ анъанасини сақлаш эса асрлар мобайнида "инсон – табиат тизими вужудга келтирган анчагина ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишни маълум даражада осонлаштириши мумкин".[6]

Халқ ижодининг дастлабки асарларидаёқ халқнинг баркамол инсон шахси ҳақидаги тасаввури аниқ ифодаланган. Ўша пайтда жамиятнинг етук инсон шахсига қўйган ва халқ қисқа, лўнда қилиб таърифлаган талаблари бизнинг давримизда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, улар ҳозирги пайтда инсоннинг маънавий бойлиги, ахлоқий поклиги ва жисмоний баркамоллиги учун кўрсатилаётган ғамхўрликка айнан мувофиқдир.

Оила жамиятнинг дастлабки бўғини бўлар экан, болалар дастлабки тарбия сабоғини уйда, ота-онаси ва бобо-бувусидан олади. Шу асосда ақлий,

жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади, дунёқараши шаклланади. Халқимизнинг "Қуш уясида кўрганини қилади" деган ҳикматли мақоли ушбу фикрнинг яққол далилидир.

Болаларнинг турли ёшида фикрлар образи муайян ҳаракатларни, воқеаларни ва катталарнинг нутқини идрок этиш натижасида шаклланади. Шунинг учун оила қандай урф-одатлар ва нормаларга риоя қилиб яшагани, унинг мафкураси ва ана шу мафкура асосида муайян тарихий босқичда мазкур бошланғич ячейкада вужудга келган ижтимоий-психологик микромуҳит қандай бўлгани бола тарбиясининг асосий омиллари ҳисобланади.

Оилавий тарбиячилар болаларни ҳалол ва ростгўй қилиб тарбиялашга жиддий эътибор бердилар. Халқ донишмандлигининг "Бошингга қилич келса ҳам, тўғри сўзла", "Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан, эгри бўлсанг, униб-ўсмай кул бўласан", "Ёлғончига қўшилма, рост сўзингни яширма" каби жуда кўп дурдоналари ота-оналарнинг, катта авлоднинг ёш авлодга панд-насиҳати сифатида асрлар давомида хизмат қилган.

Ўзбек оиласида болаларда гўзаллик ҳиссини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг ҳам ўз ўрни бор. Гўзалликни ҳис этишнинг асосий воситаси атрофдаги табиат ва яратувчилик меҳнати бўлган, бинобарин, уларга ҳар бир меҳнаткаш алоҳида эътибор ва меҳр билан ёндашган, табиат ҳамда меҳнатни фақат ўз тириклигининг манбаи деб эмас, балки гўзалликнинг тимсоли деб ҳам билган. Меҳнат жараёнида табиатдаги бўёқлар кийим-кечаклар, гиламлар ва ҳоказоларнинг гулларига кўчирилган, табиат ва меҳнат адабий-бадиий, мусиқий ҳамда бошқа санъат асарларига асос бўлган. Агар XVI асрга оид кўлёмалардаги (масалан, "Шоҳнома"даги) байрам манзараси тасвирланган миниатюраларга назар ташласак, уларда энг аввало, бош кийимларининг оқ гуллар билан безалган яшил зангори туслари диққатимизни ўзига жалб қилади. Тўқ ранглар эса тасвирланган буюмларнинг шаклларини ажратиш учун хизмат қилади. [7]

Миллий маданият маънавий – ахлоқий куч-қудратини ўрганиш асосли, қимматли тарбиявий омиллар билан боғлиқ турли хусусиятларни аниқлаш имконини берадики, бу омиллар миллий рамзлар, диний маросимлар, урф-одатлар ва анъаналардан иборат бўлиб, улар, умуман ўзбек халқи ҳаётининг миллий турмуш тарзини акс эттиради. Лекин бундан мазкур омилларнинг қонунийлашгани тушунилмайди, яъни улардан сўнгги инстанцияда фойдаланилади, деган хулоса чиқмайди. Аксинча, "миллий маданият", "миллий мерос", "анъана", "урф-одат", "маросим" каби тушунчалар мазмунини янгилаш орқали ворислик ва бунёдкорликни, тарихий тажриба билан замонавийликнинг бирлашувини таъминлаш - мана шуларнинг ҳаммасини ёш авлодга, жумладан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга меҳнат тарбияси бе-



риш жараёнида тарбиявий - ўзгартувчи таъсир кўрсатиш механизмига киритиш лозим. Педагогик адабиётларда “ўқитувчи билан ўқувчилар амалга оширадиган икки томонлама фаолият” деб, “ўқитувчининг мақсадга мувофиқ фаолияти” деб, “бошқариш тизими” деб таърифланадиган таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги билимлар мажмуаси мавжуд. Таълим-тарбия ахлоқий ва жисмоний ишлар жараёнидир, ўқитувчининг ва у бошқарадиган ўқувчиларнинг изчил ҳаракатлари мажмуасидир, ҳар бир ўқувчи шахсининг узлуксиз камол топишидир”. [8]

Кенг маънонинг, яъни авлодлар коммуникатив алоқасининг принципиал аҳамияти шундан иборатки, ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлодлар эришган, яратган ва кундалик ҳаётда синаган нарсаларни мерос сифатида қабул қилиб олади. Моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиб, ижтимоий ривожланишнинг янги поғонасида ўзининг йўлини давом эттиради. Бошқача айтганда, ҳар қайси янги авлод таълим, тарбия ва камол топтириш соҳасида ҳам ўтмишдан қолган меросга мурожаат қилади.

Лекин анъана деганда, ўтмишдаги ғояларни, халқ ҳаётининг хусусиятларига болиқ турли принципларни, муайян ва амалий усулларни тақлидан, энгил-елпи кўчиришни тушунмаслик керак.

Маълумки, халқ миллий анъаналари шаклланишида ижтимоий боғланишлар етакчи роль ўйнайди. Улар эмпирик равишда топилган, амалиётда текширилган фаолият ва хатти-ҳаракат усулини кейинги авлодга бериш зарурати туғилганидагина вужудга келади. Анъаналар янги авлодни ижтимоий муҳитга “боғлаш” вазифасини бажаради, шахсни муайян йўналишда камол топтиради.

Анъаналар ижтимоий тажриба тўпланишининг маҳсули бўлиб, шахс учун ижтимоий мақсадлар ва қадриятлар тизими сифатида хизмат қилади. Ана шу жиҳатдан анъаналардаги қадриятларни таълим олаётган шахснинг мустаҳкам эътиқодига айлантириш муаммоси муҳим муаммолардан биридир. Шунга кўра, анъаналарнинг асосини ташкил этган ғоялар, идеаллар ёш авлод шахсида мужассамланиши лозим. [9]

Шу нуқтаи назардан анъаналарнинг маросим шакли орқали, расм-русумлар, урф-одатлар, байрамлар воситасида англашиладиган ҳиссий таъсири катта аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси кўрсатмали-ҳиссий тадбирлар сифатида анъаналар тузилишига таркибий равишда киради. Анъаналарнинг кўрсатмалилиги улардаги ғоялар ва тушунчаларни муайянлаштиришда ёрдам беради. Ўқувчилар, айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар халқ миллий анъаналарининг кўрсатмали гавдаланиши орқали улардаги ғоялар моҳиятини чуқурроқ ўзлаштирадилар.

Баҳор келиши билан бошланадиган қишлоқ хўжалик ишларига боғлиқ маросим ва одатлар ("Наврўз", "Бойчечак", "Лола сайли", "Биринчи ариқ очиш", "Гул байрами", "Ҳосил байрами", "Қовун сайли" ва ҳоказолар) шунингдек, хунарманд ва касиблар меҳнатининг хусусиятларига кўра ўтказиладиган тадбирлар ўзбек болаларида меҳнатсеварликни тарбиялашининг ёрқин далилидир.

Мавсумий ишларнинг бошланиши ва тугашига бағишланган жуда кўп маросим ҳамда удумларда халқ миллий анъаналари ғояси яққол эмоционал шаклда ифодаланади ва шу билан тарбиявий самарага эришилади. Маросимда ижро этиладиган рақслар, мусиқалар, кўшиқлар, театрлаштирилган чиқишлар ўқувчи ёшларнинг хиссиётига кучли эстетик таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, анъаналар авлоддан авлодга ўтадиган меҳнат тарбиясининг тарихан вужудга келган, жамият ҳаётида, ғояларда, нормаларда, маросимлар ва урф-одатларда мустаҳкамланган ижтимоий тажрибаси сифатида намоён бўлади.

Биз ўзбек халқ педагогикасидаги халқ миллий анъаналари деганда ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда тарихан шаклланган ва халқ оғзаки ижоди (эртақлар, мақоллар, маталлар, топишмоқ ва ҳоказолар) орқали авлоддан авлодга ўтиб келган тарбиявий тажрибаларни, ғоялар, воситалар, шакл ва методларни тушунаμισ. [10]

Маълумки, ўзбек халқининг асосий хўжалик фаолияти асрлар мобайнида деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликдан иборат бўлган. Шунинг учун халқ миллий анъаналарининг кўпчилиги қишлоқ хўжалик меҳнати асосида шаклланган. Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ҳаётда хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳам муҳим ўрин тутган. Улар фақат меҳнат тарбиясининг мазмуни ва мақсадини белгилаб қолмаган, балки халқ меҳнат тарбияси тизими воситалари, шакл ва методларининг таркиб топишига ҳам бевосита таъсир кўрсатганки, бизнингча, уни пухта ўйлаб, эҳтиёткорлик билан таҳлил қилиш керак.

Халқ миллий анъаналарида болаларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш бўйича тенгдошлар жамоаси кенг ўрин олган ва бу жамоада унинг ҳар бир аъзосида меҳнат ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ва ижодкорлик руҳи шаклланган.

Болаларнинг меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрланиши уларда маънавий кадриятлар шаклланиши асосида қарор топган. Одатда ушбу жараён она алласидан бошланган. Она ўз боласига турли халқ миллий анъаналарига бағишланган кўшиқларни куйлаган. Боласини уй-рўзғор ишлари билан таништирган. Бундан ташқари, халқ оғзаки ижодида болани катталар билан мулоқотга ўргатиш шакллари ҳам мавжуд. Шулар ўзига хос меҳнат жараёнини аллақачон эшитилган шаклга кўчириш имконини берган. Бундай



тадбирларнинг ҳаммаси болалар меҳнат жараёнларини тушуниб олишига қаратилган ва уларда меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилиқ ҳамда мақсадга интилиш каби сифатлар таркиб топиши учун мустаҳкам пойдеворни вужудга келтирган. [11]

Болалар нутқи ва хотирасини ривожлантиришда, уларда меҳнаткаш инсон феъл-атворини, меҳнатсеварликни шакллантиришда қуйидагилар катта ёрдам берган:

- асосий моҳияти меҳнаткаш инсонгина юксак ахлоқли бўла олиши мумкинлигини ифодалайдиган ўзбек халқ эртаклари;

- авлодлар донишмандлиги ва ҳаётий тажрибасини акс эттирадиган мақоллар ва ҳикматли сўзлар. Уларда меҳнат ҳаёт асоси ва инсон ички эҳтиёжи ҳисобланади; қишлоқ хўжалиқ календарини, об-ҳавони кузатиш тушунарли шаклда ёритилади; ақлий меҳнат аҳамияти баён қилинади; текинхўрлар ва ишёқмаслар устидан қилинади;

- бола шахси аналитик-синтетик фаолиятини рағбатлантирадиган, қишлоқ хўжалиқ меҳнати жараёнини, уй-рўзғор ишларини, ишлаб чиқариш қуролларини, озиқ-овқат маҳсулотларини акс эттирадиган топишмоқлар.

Меҳнат байрамлари ва маросимлари ҳар доим ёш авлоднинг меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрланиши жараёнида амалий восита бўлган. Улар шахс билан жамият ўзаро муносабатлари амалга ошуви омилларидан бири сифатида шахс ижтимоий фаоллигини оширган. Меҳнат байрамлари ва маросимлари тарбиявий вазифадан ташқари, миллат ривожланишининг барча тарихий даврларида анъанавий эҳтиёжларни қондиришдан иборат доимий ва зарур вазифани ҳам бажарган. Биз ўтказган тадқиқотдан маълум бўлишича, миллий меҳнат байрамлари ва маросимлари:

- 1) меҳнатнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ёритган;
- 2) меҳнаткаш инсон шахсини шакллантирган, унда меҳнатга ҳурматни тарбиялаган;
- 3) шахс ижтимоий фаоллигини оширган.

Халқ миллий байрамлари ва маросимлари жумласига энг аввал қишлоқ хўжалиқ ишларининг муайян туркумига тўғри келадиган, шунингдек, миллий ҳунармандчилик ишлаб чиқариши (қулоччилик, ўймакорлик, гиламдўзлик, каштадўзлик ва ҳоказолар) билан боғлиқ байрам ҳамда маросимлар киради. Меҳнат байрамлари ва анъанавий маросимларнинг кўпи янги йилни, баҳорни кутиш ва ҳосилни йиғиш билан боғлиқ. [12]

Оиланинг яна бир вазифаси болаларда нонга ҳурмат билан қарашни, унинг муқаддаслиги ҳақидаги тушунчани таркиб топтиришдан иборат бўлган. Нон тўғрисида ёмон гап айтиш гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун ҳам халқ орасида нонни эъзозлаш одати вужудга келгани ва кишилар ерда ётган

кичкинагина нон ушоғини кўришлари биланоқ уни олиб четга қўйишлари бежиз эмас.

Халқ миллий анъаналари ёш авлоднинг катталар унумли меҳнатида бевосита қатнашувини талаб қилади ва буни меҳнат тарбиясининг самарали йўли деб ҳисоблайди. Шунга кўра болалар ва ёшлар қўйидаги даврларга бўлинади: 1) туғилганидан 5-6 ёшларигача; 2) 6-7 ёшларидан 13-14 ёшларигача; 3) 14-15 ёшларидан 16-17 ёшларигача.

Биринчи даврдан (туғилганидан 5-6 ёшларигача) болада ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбиясининг асослари вужудга келтирилади. Бу вазифани халқ оғзаки ижоди (алла қўшиқлари, эртақлар, мақоллар ва маталлар), болаларнинг уйдаги мебеллари, ўйинчоқлари бажарган. Умуман ўзбек халқ ўйинчоқлари болалар тарбияси меҳнатга қаратилганидан далолат беради.

Илгари ўйинчоқларни ота-оналарнинг ўзлари хилма-хил табиий ашёлардан жуда оддий усулда тайёрлаганлар. Бу ишга болаларни ҳам жалб этишган. Бунинг устига халқ миллий анъаналари болаларни ўйинчоқлар ясаш бўйича ижодкорликка қизиқтиришни назарда тутган. Шу боис болалар ўйин фаолияти жараёнида меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллаганлар.

Мазкур даврда (5-6 ёшгача) ота-оналарнинг бола ҳақидаги барча ғамхўрлиги унда меҳнат кўникма ва малакаларининг дастлабки асосларини вужудга келтиришга, шу орқали кейинги ривожланиш даврларида оила, умуман, жамият фаровонлиги йўлида қилинадиган меҳнатда фаол қатнаша оладиган шахсни шакллантириш учун зарур шароитни тайёрлашга қаратилган. Меҳнат тарбиясининг мана шу давридаги асосий усули катталарнинг меҳнат фаолиятини кузатиш ва унинг асосий ўзига хос хусусиятларини кўрсатишдан иборат бўлган. Бу тадбир болаларни меҳнатнинг ҳар хил турлари билан таништиришда, уларнинг қишлоқ хўжалик ва уй-рўзғор меҳнатида доир, оиладаги кичкинтойларга ва қарияларга қараб туришга доир билимларини чуқурлаштиришда катта ёрдам берган.

Болалар уйда қўлларидан келадиган меҳнатга жалб этилган. Одатда, болалар ва қизлар тарбияси алоҳида-алоҳида олиб борилган. Ота-оналар мана шу жараёни бошқаришган. Ота ўғли билан, она қизи билан шуғулланган. Улар ўз фарзандлари осонроқ меҳнат мажбуриятларини, яъни ўзига-ўзи хизмат қилиш ишларини қандай бажаришларини кузатганлар. Бунда мол боқиш меҳнати топшириғи бўлган. Бола 4-5 ёшга тўлиб, ўзи югурадиган, бурро ва мазмунли гапира оладиган бўлгач, ота-оналар унга қўй, сигир ва паррандаларни боқишнинг оддий малакаларини ўргатишган. Уларни парваришlash йўллари тушунтиришган.



Иккинчи даврда (6-7 ёшлардан 13-14 ёшларгача) асосий вазифа болани келажакдаги мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлашдан иборат бўлган. Ўғил ва қиз болаларни тарбиялаш жараёни табақали тус олган, ёш ва жинснинг хусусиятларига кўра, шунингдек, анъанавий "эркаклар" ва "аёллар" меҳнатига секин-аста тайёрлаш мақсадида тамоман алоҳидалашган.

Мана шу даврда болалар ва ўсмирларнинг меҳнат тарбияси уларнинг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги топшириқларини кенгайтириш билан, деҳқон оиласидаги меҳнат жараёнида бевосита қатнашишлари билан характерланади. Болаларни тарбиялашда ҳажми тобора ортиб, ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ошиб борадиган меҳнат топшириқларидан фойдаланилади. Бу тадбир болаларга меҳнат жараёнида қатнашиш иштиёқини сингдириш, уларда билим, кўникма ва малакаларни, шунингдек, ўзларига доимий мажбурият сифатида буюрилган ва улар ижтимоий меҳнат фаолиятида ҳамда оилавий турмуш соҳасида бажариб келган меҳнат турларини ўзлаштиришнинг асосли эҳтиёжларини таркиб топтириш имконини беради. Мазкур даврдаги меҳнат таълимининг етакчи методи ота-оналарнинг ижобий намуна бўлишидир.

Адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - 191 б.
2. Мусурмонова О. Оила маънавият – миллий ғурур. –Тошкент; Ўқитувчи. 1999. – 200 б
3. Мусурмонова А.И. Использование прогрессивных традиций в нравственных воспитаний младших школьников. Автореф.дис. ... канд.пед.наук.-Ташкент: 1989. 18 с.
4. Муродов М. Олтин сандиқ очилди.-Тошкент.:Ўзбекистон.1992.-119 б.
5. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. –Тошкент.: Ўқитувчи, 1994.-112 б.
6. Мўминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. -Тошкент.; Фан, 1960. -290 б
7. Наджимов Г.Н. Народные традиции и культура. –Ташкент: Ўзбекистон, 1992. - 119 с.
8. Нишонова С. Миллий қадриятлар ва баркамол инсон тарбияси //Халқ таълими. - 1997. - №3. - 18-19 б.
9. Ниёзмуродов М., М.Алиев. Янги анъаналар ҳаётга. –Тошкент.: Медицина, 1987. - 76 б.
10. Узоқов Ў., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 111 б.
11. Отамирзаева У. Янги урф-одатлар. – Тошкент: Фан – 1988. - 25 б.
12. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1997. -136 б.